

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

**ЗАМОНАВИЙ ФИЛОЛОГИЯ
ВА ЛИНГВОДИДАКТИКА
МАСАЛАЛАРИ**

Илмий мақолалар тўплами

I ҚИСМ



САМАРҚАНД - 2014

| | |
|---|-----|
| Н.Ж. Сулайманова, С.Ш. Саримсоқов. МАТНДА ДЕЙКСИСНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ХАҚИДА | 66 |
| Д. Каримова. КАУЗАТИВ ФЕЪЛЛАРИФОДАЛОВЧИМУНОСАБАТЛАР | 70 |
| Ф.Файзуллаев. НЕМИС ТИЛИ ИЛОВАЛИ КОНСТРУКЦИЯСИДА ЭГАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ | 73 |
| A. Shooimov. INTERAKTION UND METHODENVIELFALT IM FREMDSPRACHLICHEN LITERATURUNTERRICHT | 74 |
| Г.Х. Обруева. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИК ТИЗИМИ (инглиз тили мисолида) | 76 |
| Қ.Эгамназаров. ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЎТИМЛИЛИКНИНГ ИККИ БОР ИФОДАЛАНИШИ | 77 |
| D.B. Sherova. XATOLAR USTIDA ISHLASHDA ILG'OR PEDAGOGIK TECHNOLOGIYALARNING ANAMIYATI | 79 |
| M.A.Ko'chiyev. NEMIS TILIDA NISBAT KATEGORIYASINING O'RGANILISHI | 81 |
| M. Асадов, Н. Шодиева. ФРАНЦУЗ БАДИИЙ МАТНИДА УЧРАЙДИГАН ВУЛЬГАР СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИГА ДОИР | 82 |
| D.R. Narzikulova. EBONIKS TILINING INGLIZ TILIGA TA'SIRI | 85 |
| S.E. Tuychiev. GRAMMAR AND ITS ROLE IN THE TEACHING PROCESS | 86 |
| Г.Ф. Болтакулова. НЕКОТОРЫЕ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ | 88 |
| T.C. Насруллаева, А.Н. Касимова. ГЛАГОЛЬНЫЕ СОЧЕТАНИЯ И ОСОБЕННОСТИ ИХ ПЕРЕВОДА В РЕКЛАМНЫХ ТЕКСТАХ | 90 |
| Ш.З. Бердиев. ЧЕТ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎҚИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР | 92 |
| К. Бегматов. BIS БОҒЛОВЧИЛИ ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ | 94 |
| Д. Исмаилова. ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ОТСУБСТАНТИВНЫХ СИНТАГМАТИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ | 96 |
| Е.В. Фалеева. КОРРЕЛЯЦИЯ ЕДИНСТВЕННОГО И МНОЖЕСТВЕННОГО ЧИСЛА ВО ФРАЗЕОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА [ТЕКСТОВОЙ АНАЛИЗ] | 98 |
| У. Кадиров. ПРЕДРАСПОЛОЖЕННОСТЬ ИМЕНИ СУЩЕСТВИТЕЛЬНОГО К КОМПОЗИТНОМУ СЛОВООБРАЗОВАНИЮ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ | 100 |
| M. Джураева. ГЕНДЕРНЫЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМЫ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ОЦЕНОЧНО-НОМИНАТИВНОЙ ФУНКЦИИ (В АСПЕКТЕ ПЕРЕВОДА) | 101 |
| Ф. Қадирова. ИНГЛИЗ ТИЛИДА НЕГАТИВЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ | 103 |
| O. Ablokulova. COMMUNICATIVE ACTIVITIES USED AT ENGLISH LESSONS | 105 |
| Sh. Isabekova. A LIFE DRIVEN BY DESIRE | 108 |
| M. Vozorova. INGLIZ TILIDAGI KIMYO FANIGA OID MATNLARDA DEYKTIK BELGILARNING QO'LLANILISH XUSUSIYATLARI | 110 |
| R. Mirsanov. INGLIZ VA O'ZBEK BADIY MATNLARIDA "POLITENESS" TUSHUNCHASINING PRAGMATIK XUSUSIYATLARIGA DOIR | 112 |
| N. Ochilova. ANCIENT PROVERBS AND ITS STRUCTURE | 113 |
| Ш.Ш. Улгуова. ЛЕКСИКО-КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА «НЕНАВИСТЬ» В ПЕРЕВОДНОМ ПАРАМЕТРЕ | 115 |
| Н. Ахророва ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОННОТАЦИИ | 116 |
| J. Zayniev. TARJIMADA SO'Z MA'NOSINING IFODALANISHI (koreys va o'zbek tillari misolida) | 117 |
| С. Каримова. АТРИБУТИВНОЕ СЛОВСОЧЕТАНИЕ КАК СИНТАКСИЧЕСКИЙ ТИП | 120 |
| M. Галиулов. ГАЗЕТНЫЙ ЗАГОЛОВОК КАК КОМПОНЕНТ ТЕКСТА | 121 |

Г.Х. Обруева (СамДЧТИ)

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИК ТИЗИМИ

(инглиз тили мисолида)

Сўз коннотация хусусиятининг замонавий тушуниш унинг реал эгасини олдиндан билишни тақозо қилади. Мазкур хусусият турдош отга (ТО) ҳам, атоқли отга (АО) ҳам хосдир. Улар орасидаги фарқ билдириш – белгилаш характеридадир. Турдош отлар шу маънода филогенетик бўлиб, уларнинг семантикаси тарихий тараккиёт маҳсулидир, тил анъаналари ёрдамида мустахкамланган ва предметлар муайян синфи хусусиятлари натижаси ҳисобланади ва бу белгиларни тушунча орқали фикрлаш, яъни яқка конкрет нарсадан узоқлаштириш имконини беради. Мана шу омил ушбу атамани коннотациядек тушунишга имкон беради. АО маъноси “онтогенетик”дир, чунки у ҳар доим яқка денотат хусусиятлари билан белгиланади. Ҳар қандай бошқаси каби John [“Жон”] исми табиийки, ўзига барча индивидуал маъноларни сингдира олмайди ва ўзининг кейинги билдирувчисини (конкрет индивид нуктаи назаридан) кўрсата олмайди.

Бироқ бундан АО маълум шахснинг хусусиятларини коннотация қилиш қобилиятидан маҳрум деган хулосага кела олмаймиз. Бу маънода у ТОдан ҳеч қандай фарқ қилмайди (товушли комплекс фақат унинг ортида реал воқелик факти турган ҳолатдагина “коннотацияланади”). АО семантик интенциясининг ўзига хослиги унинг алоҳида функционал вазифаси билан боғлиқдир.

ТОларга хос лексик маънонинг муҳим белгилари йиғиндиси унинг мантикий ўзаги - тушунчаси бўлган турли предметлар синфи билан боғлиқлигига кўра белгиланади.

АОларнинг тилга оид вазифаси тамомила бошқа. У объектни индивидуаллаштиришда ўзига ўхшаганлар қаторидан ажратилиши лозим. АО сигнификатив ўзига хослиги яқка денотатлар мавжудлиги ва индивидуаллаштириш жараёни билан боғлиқдир.

Турдош отлар тил лексик–семантик системасининг фаол элементлари ҳисобланади. Уларнинг маъновий мазмуни ва ўзига хос кўрсаткичлари уларнинг семантик чегараларини аниқ белгилайдиган полисемия, синонимия, антонимия сингари парадигматик категориялар билан белгиланади.

Маълум туркум ичида АОнинг функционал айнанлиги ҳамда индивидуал қўлланувда денотат билан узвий алоқаси уларни ўзаро семантик гуруҳларга бирлашиш имкониятидан маҳрум қилади ва лексиканинг бошқа қатламлари билан ўзаро муносабатга тўсик бўлади. Ушбу омиллар АО тизимли алоқасини кескин чегаралаб, уларнинг мавжудлигини алоҳида, ёпик гуруҳ сифатида белгилаб берди. Бу маънода АОларни ҳар қандай тил лексик системасининг пассив, алоҳида ажралиб қолган, синонимик гуруҳлар ташкил қилолмайдиган ва омонимлар, антонимик қарама–қаршиликлар йўқлиги ҳамда кўп маънолилиқ билан ажралиб турувчи аъзолар деб эътироф этмоқ лозим.

Яқка денотатлар номи сифатидаги АО ва уларга структур–адекват ҳисобланган АО ФБ тушунча ҳажми ва мазмуни билан фаркланади. Масалан, “*Mark Tapley*” АО бир шахсга мос хусусиятлар мажмуини ўзида мужассам этса, “*a Mark Tapley*” эса ФБ денотатларининг чекланмаган миқдорига фақат бир хусусиятни (“ҳаётдан мамнунлик”) предикатлаш қобилиятига эга. Бинобарин, миқдор бу ерда сифатга ўтмоқда.

Тадқиқ қилинаётган турдаги баъзи ФБлар турдош отлар орасида лексик коррелятларга эга бўлишади (“сатҳлараро” синонимия). Мисол учун, *Jack Ketch* → *a hangman*, *Jack Tar* → *a sailor*, *Tommy Atkins* → *a soldier*.

Ҳар бир жуфтлик предметли – мантикий маъносининг ўхшашлигига қарамасдан, улар орасида тўла мувофиқлик йўқ, яъни “*a hangman*”, “*a sailor*”, “*a soldier*” сўзлари

стилистик жиҳатдан нейтрал. Улар иштирокидаги ФБлар эса такаллуфсиз сўзлашув нутқида қўлланади. Бошқача қилиб айтганда, улар сўзларга қараганда янада экспрессивроқ тарзда жаранглайди.

Ўрганилаётган турдаги фразеологизмларга синонимия ҳам хос ("сатҳ ичидаги" синонимиянинг хусусий ҳолати) ва бу инглиз тилида қуйидаги ФБлар билан тасдиқланади: *"David and Jonathan"*, *"Damon and Pythias"*, *"Pilades and Orestes"*. Буларнинг барчаси "*айрилмас дўстлар*" маъносини билдиради.

Мазкур ўхшаш ФБлар ҳеч қандай семантик фарққа эга эмас. Улар ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда қўлланилар экан, стилистик бир хиллиги билан тавсифланади ҳамда қўлланилиш жараёнида бир – бирларини алмаштиришга қодир. Буни қуйидаги мисоллар билан исботлаш мумкин: *"Put up, for shame, put up, and be Pilades and Orestes, what was your quarrel?"* (The Stanford Dictionary of Anglicised Words and Phrases, 2008, p. 589). *Everybody at Naples remarked the separation of the Damon and Pythias - indeed, Marrowfat had saved my life more than once. He had loved one warm clever boy who was frail in body, a consumptive type. The two had an almost classic friendship David and Jonathan.*

Қўлланилиш доираси ҳам тенг бўлган *David and Jonathan* ва *Damon and Pythias* ФБлари мутлақ синонимларнинг барча белгиларини ўзларида акс эттиради. Уларга маъновий жиҳатдан тенг бўлган *Pilades and Orestes* иборасининг жуда кам қўлланилиши эса уни юқоридагиларнинг мутлақ синоними деб тан олиш имконини бермайди. Юқоридаги учала ФБнинг семантик бир хил ўлчамда эмаслиги ва омоним бўла олмаслиги улар орасидаги фарқлар характери ҳақида аниқ тасаввур беради. Масалан, киёсланг: *David and Jonathan* ФБни ва *Damon and Jonathan*.

Антонимия ФБ таркибидаги АОнинг фарқли белгиларини аниқлашда муҳим кўрсаткичдир. Айтиш жоизки, ўрганилаётган турдаги ФБ орасида антонимия анча кам учрайдиган ҳодиса. Бироқ уларнинг компонентлари АОларни қарама – қарши қўйиш фактининг ўзи аҳамиятли бўлиб, АОнинг ушбу семантик хусусиятга эга бўлиши унинг чуқур сифатий ўзгариш ва турдош от категориясига ёки фразеологизмларга ўтишидан дарак беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Dunkling L.A. First names first. –London: Dent, 2007
2. Willems K. Eigenname und Bedeutung. Ein Beitrag zur Theorie des 'homen proprium'. - Heidelberg: C. Winter, 2006
3. The Stanford Dictionary of Anglicised Words and Phrases, 2008

Қ.Эгамназаров (Сам ДЧТИ)

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЎТИМЛИЛИКНИНГ ИККИ БОР ИФОДАЛАНИШИ

Ўтимлилик ва ўтимсизлик категориясини ўрганишда тилшунослар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Чунончи, мазкур масалани тилнинг қайси сатҳида ўрганиш ҳам бахсталаб масала бўлиб қолмоқда. Айрим тилшунослар ўтимлилик ва ўтимсизлик тилнинг морфологик сатҳида қаралади деса, бошқалари тилнинг лексик ёки сўз бирикмалари сатҳида ўрганишни таъкидлайди.

Ўтимли-ўтимсизлик категорияси ҳақида гапирганда, феълларнинг "ҳаракат таъсирининг бирор объектга ўтиш ёки ўтмаслигини билдиришни" [Ўзбек тили 1966:266], бирор предмет – объектга ўтадиган ёки ўтмайдиган ҳаракатни билдиришни назарда тутадилар ва бу маънолар феълнинг ўзак қисмида ифодаланади [Фуломов 1954:53-54].

Икки бор ўтимли ёки икки объектли феъл дитранзитив [Бўронов 1973:172-173] бўлиб у бир пайтнинг ўзида иккита тўлдирувчи билан бирга келади. Феъллар билан келган отларнинг ёки олмошларнинг бири воситасиз тўлдирувчи, иккинчиси воситали тўлдирувчи вазифаларида келади. Феълларнинг бу тури фақат инглиз тилига хос бўлмай,